

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Чортот туман тиббиёт бирлашмаси
бошлиғи  Т.Муминов

“25” Июн 2022 йил

Чортот туман тиббиёт бирлашмасига қарашли З.Диёр МФЙ худудида жойлашган Марказий поликлиника биносини жорий таъмирлаш

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Иштирокчилар учун маълумотлар |
|----------|--|--|
| 1 | Буюртмачи | Чортот туман тиббиёт бирлашмаси |
| 2 | Буюрма мазмуни | Чортот туман тиббиёт бирлашмасига қарашли З.Диёр МФЙ худудида жойлашган Марказий поликлиника биносини жорий таъмирлаш |
| 3 | Хизмат кўрсатиладиган манзил | Чортот туман З.ДиёрМФЙ |
| 4 | Қатнашувчилар учун талаблар | Танлов хужжатларида кўрсатилган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариб бериш <ul style="list-style-type: none"> 1. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати 2. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 3. Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги хужжатлар, аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан). Танлов иштирокчisinинг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот 4. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси. 5. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 6. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчisinинг машина ва механизмлари рўйхати 7. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида |
| 5 | Тижорий таклифларни тақдим этиш шартлари | |

| | | |
|----|--|--|
| | | <p>иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот</p> <p>8. Курилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома</p> |
| 6 | Бажариладиган ишлар хисоб-китоби | Бажарилган ишлар бўйича хисоб-китоблар тузилган Ф-2 ва Ф-3 далолатномаларига мос равишда амалга оширилади |
| 7 | Ишда хизмат тури | Бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш |
| 8 | Ишни бажариш муддати | Шартнома имзоланган кундан олдиндан 30% тўлов амалга оширилади ҳамда хизмат тўлиқ бажарилиши билан 20 иш куни муддатда тўлиқ хисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Хизматни бажариш муддати 30 кун. |
| 9 | Техника-мехнат хавфсизлиги бўйича талаблар | Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоида ва талабларига тўлиқ риоя этилиши. |
| 10 | Молиялаштириш манбааси | Махаллий бюджет маблағлари |
| 11 | Бажариладиган ишлар қиймати таклифи | 523 560 200 (Беш юз йигирма уч миллион беш юз олтмиш минг икки юз) сўм |

Чорток ТТБ қурилиш мухандиси:

А.Корабоев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Чорток туман тиббиёт бирлашмаси

бошлиғи  Т.Муминов

25 июн 2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

**НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЧОРТОҚ ТУМАН ТИББИЁТ
БИРЛАШМАСИ**

Чорток туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп
тармоқли марказий поликлиника биносини жорий
таъмирлаш

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Чорток туман тиббиёт бирлашмаси

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. 1 Чорток туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона биноларини жорий таъмирлаш таъмирлаш

1.2. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Чорток туман тиббиёт бирлашмаси , (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Чорток тумани Зафар-Диёр МФЙ Ибн-Сино кўча 5-үй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Чорток туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қуилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

№1-илова

1. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати
2. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар
3. Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси, ҳодимлар сони хамда малакалари бўйича кўрсаткичлар.
4. Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги хужжатлар, аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги хисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан Танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот
5. Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси.
6. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.
7. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати
8. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот
9. Курилиш майдонини бориб кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома

Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

| № | Критериялар номи, мазмуни | Энг юқори балл | Фоиз хисобида |
|----|--|----------------|---------------|
| 1 | Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати | 9 | |
| 2 | Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар | 8 | |
| 3 | Танлов иштирокчининг иш ҳақи жамғармаси, ҳодимлар сони хамда малакалари бўйича кўрсаткичлар. | 9 | |
| 4 | Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хуносаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботлар (баланс ҳисботлар)нинг нусхаси билан Танлов иштирокчининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот | 12 | |
| 5 | Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси. | 15 | 70% |
| 6 | Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси. | 9 | |
| 7 | Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчининг машина ва механизмлари рўйхати | 15 | |
| 8 | Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот | 13 | |
| 9 | Курилиш майдонини бориб кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома | 10 | |
| 10 | Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан) | | 30% |